



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

● 2015-yil, 13-oktabr. Seshanba

● 122 (32.025)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗХДП ҲАЁТИДАН

Салоҳиятли кадрлар

партиянинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини кучайтиради

ЎЗХДП Самарқанд вилоят кенгаши кадрлар салоҳиятини ошириш масаласига бағишланган семинар ўтказди. Унда партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари иштирок этди.

— Зиммамиздаги масъулиятли вазибалар қандай бажарилиши кадрлар салоҳиятига боғлиқ, — дейди **Самарқанд вилоят партия кенгаши раиси Камолбой ИСОБЕКОВ**. — Партия ташкилотларида фаолият юритаётган кадрлар ташаббускор бўлса, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этса, партиямизнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазибаларни амалга ошириш шунча жаддалашади.

Жамоатчилик ишларида ўзини кўрсатаётган хайрихоҳлар орасидан иқтидорли ёшларни танлаб, кадрлар захирасини мустаҳкамлаш зарур. Сафимизни сиёсий-ҳуқуқий билими юксак, салоҳиятли кадрлар билан кенгайтирсак, фаолиятимиз янада самарали бўлади.

Шунингдек, семинарда партиянинг ёш аъзолари билан ишлашда ахборот-маърифат хоналари имкониятидан самарали фойдаланиш борасида фикр алмашилди. Таклиф ва тавсиялар асосида навбатдаги режалар белгилаб олинди.

Ёшлар фаоллигини оширишга бағишланди

ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Фарғона вилоят бўлими томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган семинар ташкил этилди. Унда партия фаоллари, депутатлар ва қанот аъзолари иштирок этди.

— Бугун давр ёшлардан ижтимоий-сиёсий фаоллик, теран дунёқараш, янгича ташаббусларни кутмоқда, — дейди **«Истиқбол» ёшлар қаноти Фарғона вилоят бўлими етакчиси Шохрух ЎКТАМОВ**. — Ўсиб келаётган ёш авлодда бу каби тушунчаларни шакллантиришга ҳисса қўшиш «Истиқбол» ёшлар қаноти олдидаги асосий вазибалардан биридир. Тенгдошларимизни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, ҳаётий таклифлар билан чиқиш фаолиятимизнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Тадбирда бу борада ёшлар фаоллигини янада ошириш масалалари муҳокама этилди. Ёшлар қаноти фаолиятини кучайтириш, депутатлик гуруҳлари ва ҳудудий партия ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати.

ЎЗХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

Аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиши — фаровон турмуш меваси

2

ПАРЛАМЕНТДА ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари, шу жумладан, «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.



Замонавий корпоратив бошқарув

услублари жорий этилиши акциядорлик жамиятлари ривожланишига хизмат қилади

Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш

мақсадида ишлаб чиқилган. Унга асосан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғри-

сида»ги, «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонунларга ва Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

Халқ депутатлари Қанлиқўл туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзолари аҳоли, хусусан, касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, бандликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганишди.

Халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи қишлоқ жойларда аҳолига сифатли тиббий-санитария хизмати кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганиб, таҳлил қилди. Мазкур масала халқ депутатлари Урганч туман Кенгашининг тегишли доимий комиссиясида кўриб чиқилди.

Тошкент вилояти:

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичи бўлиб ўтди



Бугунги кунда Тошкент вилоятида 15 мингдан ортиқ хотин-қиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси ҳисобланади. Улар орасида фан ва таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари кўпчиликти ташкил қилади.

Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг биринчи

туман ва шаҳар босқичи баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Танловда партиямизга аъзо 500

нафарга яқин хотин-қиз иштирок этиш истагини билдирди. Уларнинг орасидан сиёсий-ҳуқуқий билими юқори, партиямизнинг дастурий мақсад ва ғояларини тарғиб қилишда ўрнатилган 149 нафар хотин-қиз саралаб олинди.

Танловнинг илк босқичи барча туман ва шаҳарларда қизиқarli бўлди. Биринчи шарт — лойиҳа тақдимотида иштирокчилар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хотин-қизлар учун барқарор иш ўринлари яратиш, оилавий тадбиркорлик кўникмаларини оширишга қаратилган 100 дан ортиқ лойиҳа тақдим қилишди. Мазкур шартда бекободлик Орзигул Азимова, чирчилик Дилфуза Мадраимова, олмаликлик Дилноза Шанаева томонидан тақдим этилган лойиҳалар хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш каби долзарб масалаларни қамраб олгани билан кўпчилиكنинг эътиборини тортди. Танловга ҳар бир иштирокчи пухта тайёргарлик билан келгани

савол-жавоблар ва қонунлар шарҳи шартларида ҳам яққол намоён бўлди.

— Гиламдўзлик тарихи минг йилларга бориб тақалади, — дейди танловнинг туман босқичи иштирокчиси **бекободлик Орзигул Азимова**. — Уни ривожлантириш, шу орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш имконияти туманимизда жуда кенг. Айниқса, хунармандчиликнинг ушбу тури жисмоний имконияти чекланган хотин-қизларни меҳнатга жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга. Танловда гиламдўзликни ривожлантириш билан боғлиқ лойиҳани тақдим қилдим. Ҳозир уни амалга ошириш ҳаракатидаман. Ниятим амалга ошса, 4 нафар хотин-қизни, шунингдек, 6 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаш имкони бўлади.

Шаҳар ва туман босқичида ғолиб бўлган 18 нафар хотин-қиз танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Меҳрож ДАРХОНОВ

Янгиликлар, бунёдкорликлар, хабарлар...

Икки қаватли автобуслар

сайёҳлар хизматида

Дунёнинг сайёҳлик салоҳияти юқори мамлакатларида дابلдекерлар, яъни икки қаватли автобуслар меҳмонларга хизмат қилиши кенг оммалашган. Жорий йил бошидан Тошкентда ана шундай автобуслар қатнови йўлга қўйилган эди. Эндиликда Самарқандга ташриф буюрган меҳмонларга ҳам дابلдекерлар хизмат қила бошлайди.

Мазкур автобуслар теварак-атрофни кузатишда қўлайлиги билан ажралиб туради. Унинг очик қисми ҳам бўлиб, ҳаво иссиқ пайтида меҳмонлар бемалол ҳордиқ чиқариб, шаҳарни томоша қилиши мумкин.

Икки қаватли автобуснинг олиб келиниши Самарқанднинг чин маънода туристик шаҳарга айланиб бораётганининг яна бир исботидир.

Она табиатни асрайлик

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими томонидан Нукусда ўтказилган семинарда шу ҳақда фикр юритилди.

...Бир туп дарахт йил давомида олти кишини кислород билан таъминлайди. 1 гектар майдондаги игна баргли дарахтлар йилига 30 тонна, япроқли дарахтлар 16 тонна кислород ишлаб чиқаради...

Мазкур тадбирда сўзга чиққан соҳа мутахассислари она табиатни асраб-авайлаш кераклиги ҳақида гапириб, ёшларнинг табиат қўйнида саёҳат қилиши уларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганишга бўлган қизиқиши ортишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Хотин-қизлар учун янги иш ўринлари

Зарафшон шаҳридаги «Гул-асал зар сервис» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотлари сифати ва замонавий dizayni билан хариддорларга манзур бўлмоқда.

2015 йилнинг иккинчи чорагида фаолиятини йўлга қўйган корхона Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Зарафшон шаҳар филиалидан олинган қарийб 60 миллион сўм кредит эвазига замонавий тикув машиналари келтириб ўрнатди. Бугунги кунда корхонада йигирмадан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Унда 30 дан ортиқ турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ тайёрлади.

Самарқанд

Қорақалпоғистон

Навоий

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

«Ўз ишимни йўлга қўйиб, эл-юртга хизмат қилмоқчиман»



Бу ҳақда парламент палаталарининг қўшма мажлисида айtilган эди

■ ПАРЛАМЕНТДА ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

услуглари жорий этилиши акциядорлик жамиятлари ривожланишига хизмат қилади



ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИХАСИ СОҲАДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ТИЗИМЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИНГ НОРМАЛАРИ ВА ИЖРО МЕХАНИЗМЛАРИНИ БИРХИЛЛАШТИРИШ, АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТДАН ТЎЛИҚ ТАРТИБГА СОЛИШГА ҚАРАТИЛГАНИНИ ТАЪКИДЛАШМОҚДА.

Қонун лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар, акциядорлик жамиятларининг вакиллари, акциядорлар, иқтисодчи олимлар, ҳуқуқшунослар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилди. Мазкур жараёнда миллий ва хорижий тажриба чуқур ўрганилган. Шу асосда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида депутатлар унинг аҳамияти тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида белгиланган муайян вазифалар амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг мулкӣ ҳуқуқи мустаҳкамланиши, акциядорлик соҳасидаги манфаатлар муштарақлиги таъминланиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари фаолияти ривожланишига кенг йўл очади. Натижада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш имкониятлари, қолаверса, аҳоли бандлигини таъминлаш самарадорлиги ортади.

Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий қилиниши юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.



Аваз Ўринбоев,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Аввало, акциядорлик жамиятининг ўзи нималигига тўхталсак. Бу ҳужжат юритувчи субъект бўлиб, акциядорлар олдида муайян мажбуриятларга эга ҳисобланади. Акциядорлик жамияти ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинмаган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар олиши мумкин.

Бундай жамиятлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритади. Агар унинг

низомида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамият чекланмаган муддатга тузилади.

Акциядорлик жамияти масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа ташкилий-ҳуқуқӣ шаклдаги тижорат ташкилотларидан фарқли равишда очик бозорда қимматли қозғолар чиқариш йўли билан чекланмаган шахслар ўртасида инвестицияларни жалб қилиш имкониятига эга.

Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши бу борада янги имкониятлар

яратади. Қонун лойиҳасидан кўзланган мақсад ҳам корхоналарнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, барча томонлар манфаатларининг оқилона мувозанатига риоя қилинишини таъминлаш, очик акциядорлик жамиятларининг янада юқориқўб қўйида олинишига эришиш ҳисобланади.

Шу жиҳатдан олиб қарасак, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши, шу муносабат билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши рақобатбардорлик ва жозибадорликни оширишда, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ЎзХДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.



Фарҳод Умаров,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси орқали иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизимдаги вазифаларни ҳал қилишда демократик механизмлардан самарали фойдаланиш, кам таъминланган аҳоли қатламнинг мулкӣ ҳуқуқини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилмоқда. Унда корпоратив бошқарувнинг қатор замонавий услубларини жорий этиш

назарда тутилган. Масалан, ишлаб чиқариш менежменти, сармоядорлар учун фаолиятнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш услубларини амалга оширишга эътибор қаратилган.

Фракциямиз аъзолари фикрича, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий қилиниши юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришнинг муҳим омили ҳисоб-

ланади. Соҳанинг ҳуқуқӣ асослари мустаҳкамланиши акциядорлик жамиятларининг фаолият доирасини кенгайтириш билан бир қаторда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Айни кунда қонун лойиҳаси бўйича масъул бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан лойиҳани иккинчи ўқишга киритиш бўйича ишлар олиб борилаётган. Жумладан, қонун лойиҳаси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Парламентда соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилиб, лойиҳа нормалари такомиллаштирилипти.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎЗХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНИШИ — фаровон турмуш меваси

Рўзгорингиз бут, оила бағридасиз, сеvimли ишингиз бор. Аммо соғлигингизда муаммо бўлса, буларнинг ҳеч бири татимади. Хотиржам ишлай олмайсиз, кўнглингиз ором топмайди. Аксинча, ўзи ва яқинлари саломат одам бор куч-ғайратини оила ва жамият равнақига сафарбар қила олади, фаровон ҳаёт кечирингизга интилади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бунинг натижасида тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фуқаролар соғлигини таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Худудларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари ташкил этилди, кишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базаси яхшиланди. Улар фаолияти замон талаблари даражасида ташкил этилмоқда. Кишлоқ жойларда ҳам ҳомиладор аёллар бепул поливитаминлар билан таъминланмоқда. Натижада ўтган йиллар давомида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кескин камайди, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш масаласига ало-

ҳида эътибор қаратилган. Шу сабабли ҳам йил бошида тасдиқланган режага асосан халқ депутатлари Фарғона вилояти Бувайда туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи Президентимизнинг 2014-2018 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури ҳақидаги қарорининг туманда бажарилиши бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб борган ва шу асосда сессия муҳокама-сига тегишли масалани кiritган эди. Айни пайтда сессия қарори ижроси назоратга олиниб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилипти.

Маълум бўлишича, жорий йилнинг уч ойи давомида туманда туғилш ёшидаги 51 минг нафарга яқин аёлнинг

16450 нафари кўриқдан ўтказилган. Уларнинг баъзилари ҳомиладорликка соғломлаштирилган.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш юзасидан олиб борилаётган ишларни кучайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича махсус режа ишлаб чиқилиб, жойларга тарқатилган. Ҳар бир поликлиникада 14 ёшгача бўлган болаларнинг рўйхати тузилган ва улар тиббий кўриқдан ўтказилган, аниқланган касалликларни даволаш бўйи-

ришга қаратилган семинар ва давра суҳбатлари ўтказишда изчиллик етишмаётганини таъкидлашди.

— Оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда аҳолининг тиббий маданияти ошиши муҳим ўрин тутди, — дейди халқ депутатлари Бувайда туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари Баҳромжон Мамадалиев. — Биз назорат-таҳлил давомида ташвиқот тадбирлари кам ўтказилган худудларда қатор муаммолар мавжудлигини кўрдик. Баъзи жойларда ёшларнинг эрта турмуш қуриш ҳамда никоҳдан олдин

Сессияда соғлом турмуш тарзи, соғлом ва аҳил оила тарғиботига қаратилган тадбирларни кучайтириш, оналар, болалар ва ўсмирларни парваришлашга хизмат қилади-ган дастурларни амалга ошириш жараёнига кенг жамоатчиликни жалб этиш юзасидан таклифлар билдирилди.

ча тизимли ишлар олиб боририлган.

Сессияда депутатлар мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш ва аҳоли тиббий саводхонлигини оши-

тиббий кўриқдан ўтиш масалаларида ҳали-ҳамон эътиборсизликка йўл қўйилди. Бундай ҳолатлар кейинчалик қатор муаммоларни келтириб чиқариши, она ва бола саломатлиги хавф остида қолиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб,



туманда тиббиёт ходимлари, барча жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамжиҳатликда иш олиб боришга эришялмиз. Шунингдек, маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз округларидаги маҳаллалар ва оилавий поликлиникаларда Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиб, уларни ўйлантираётган масалалардан мунтазам хабардор бўлиб турибди.

Сессияда жисмоний ва руҳий ривожланишда нуқсон бор болаларни тиббий ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолига малакали, махсус ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ инфратузилмани янада ривожлантириш зарурлиги

қайд этилган. Шунингдек, тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлиги ва кадрлар малакасини оширишга доир қатор таклифлар берилиб, тегишли қарор қабул қилинган эди. Айни пайтда қарордаги ҳар бир йўналиш бўйича депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, сессия ўти, энди бу камчиликларга биров аҳамият қаратмайди, деб бефарқ бўлишга ҳақимиз йўқ. Чунки мақсад сессияга бирор-бир масала киритиб, у бўйича қарор қабул қилинишига эришиш эмас, балки ана шу қарор ижросини таъминлаш, камчиликларни бартараф этишдан иборат.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎЗХДП
ЖАМОАТЧИЛИК
ҚАБУЛХОНАЛАРИ
ҲАҚИДА ФИКР

Одамлар ишончини қозониш, уларни ўйлантираётган масала ечими бўйича қўмак бериш сиёсий партиянинг аҳоли орасидаги обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бунга эришиш эса ўз-ўзидан бўлмайди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари партия аъзолари ва электорат вакиллари муаммоларини ўрганиш, уларга ҳар томонлама қўмак беришга қаратилган.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА БЎЛИШИ КЕРАК

Биз бу борада партия гуруҳлари қучига таянаемиз. Хусусан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг ўз сайлов округларидаги Жамоатчилик қабулхоналари билан алоқасини мунтазам йўлга қўйишга эътибор қаратаемиз. Мурожаатларни таҳлил қилиб бориш, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ҳудудий бандлик дастурларига ўзгартиш киритиш эҳтиёжини аниқлаш, электоратни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, шу асосда қонунчиликни янада такомиллаштириш чораларини кўришда бу муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 470 дан ортқ мурожаат тушди. Уларнинг 76 фоизи ижобий ҳал этилишига эришилди. Қолганлари бўйича ҳуқуқӣ маслаҳатлар берилди.

Ўйлаيمанки, мурожаатлар маҳаллий партия кенгашларининг ўзида қолиб кетмаслиги керак. Уларнинг ечимида депутатлар орқали аниқ чораларни амалга ошириш, қабул қилинган қонун ва қарорлар ижросини тизимли ўрганиш, ҳуқуқшунослар, партиянинг фаол аъзолари билан қонунларга ҳаётӣ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш партияимизнинг жамиятдаги таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

Тўғри, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида изчиллик қўзғатилаётган ҳолатлар ҳам бор. Менимча, бу борада партия ташкилотлари, депутатлар масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш лозим. Партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи фаол бўлса, ҳудудда мурожаатларга ечим ҳам топилади.

Жамоатчилик қабулхоналари партия ташкилотлари, барча даражадаги депутатлар ва электорат ўртасида том маънодаги мустаҳкам кўприкка айланса, ишимизда аниқ самара кўринади. Масалан, Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар таҳлили ҳудудларда қайси йўналишларда муаммолар борлиги, нисбатлари кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатиб турибди. Демак, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари аъзолари доимий комиссия ва сессиялар муҳокама-сига масала киритишда ақрли мурожаатларини ҳам ўрганиб чиқиши керак. Бу масаланинг илдизига етиб бориш ҳамда ҳаётӣ таклифларни шакллантиришга хизмат қилади.

Очигини айтиш керак, мурожаатлар билан ишлашда ҳамма жойда ҳам иш талаб даражасида эмас. Масалан, айрим депутатлар аҳоли мурожаатларига эътиборсиз қараб, уларни ҳал этишда турли сабабларни рўқча қилишади. Шунинг учун ҳар бир туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, депутатлар, аввало, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятининг партия ҳаётидаги ўрнини яхши тушуниб олиши керак.

Яна бир масала. Ҳозир жамиятнинг умуман, ҳар қандай соҳа ва тизимни замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз ҳам қабулхоналар фаолиятида электрон мурожаатлар билан ишлашни изчил йўлга қўйишимиз керак. Бу аҳолига қўлгина қулайликлар яратади. Яъни, масофа ва вақт-ни тежаш имкони бўлади.

Жамшид НАСРИЕВ,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят
кенгаши бўлим мудир.



■ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ЎЗБЕКISTON ХДПНИНГ 872 БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. УЛАРДА ПАРТИЯМИЗНИНГ 42200 НАФАРГА ЯҚИН АЪЗОСИ БИРЛАШГАН.



■ ЎЗБЕКISTON ХДП БЕРУНИЙ ТУМАН КЕНГАШИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯ ГУРУҲИ ХАМКОРЛИГИДА 70 НАФАР НУРОНИЙНИНГ ХИВАГА, ЯНА 50 НАФАРНИНГ «ШИХИЖАЛИЛ», «ЯМПИҚҚАЛЪА» ВА «СУЛТОН УВАЙС БОБО» ЗИЁРАТГОҲЛАРИГА САЁХАТИ УЮШТИРИЛДИ.

Саноат салоҳиятининг ошиши аҳоли турмуш тарзига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Аҳоли реал даромадининг йиллик ўсиши 10 фоиздан кам бўлмаяпти.

■ ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

ХОРАЗМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИ

Йилдан-йилга юксалиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли турмуши тобора фаровонлашиб бормоқда

Қарангки, бутунжаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланган вақтда дунёга келган гўдак бутун мактаб ёшига етиб қолди. Инқирозни бартафат этиш, ундан нисбатан камроқ талофат кўриш бўйича Жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот институтлари, таниқли олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, қайсидир давлатлар яқин йилларда инқироздан қутилиши мумкинлиги борасидаги башоратлар ўзини оқламади.

Юқоридаги фикрни беҳизга таъкидлаб ўтмадик, не бахтки, бугун мамлакатимизда иқтисодиёт дадил ривожланмоқда, янги-янги иш ўринлари яратилмоқда. Хатто бутун жаҳонни ларзага солган ва ҳамон солаётган инқирозлар силсиласида ҳам республикамиз иқтисодиёти барқарор ва ҳатто тезкор ўсаётгани халқаро ташкилотлар ҳамда экспортлар томонидан тан олиниб, эътироф этилмоқда.

Хусусан, буни мамлакатимизнинг чекка ҳудуди ҳисобланган Хоразм вилоятининг макро-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлиладан ҳам билса бўлади.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 11,1, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 30,8, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,2, қурилиш-монтаж ишлари 3,9 фоиз ўсишига эришилди.

Маҳаллий товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 40,2 фоизга, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 2,5 фоизга, чакана товар айланмаси 14,5 фоизга ва хизмат кўрсатиш 12,4 фоизга ўсди.

Хоразм вилоятини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурига мувофиқ жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 767 лойиҳа ўрнига 932 лойиҳа амалга оширилиб, 251 миллиард сўм миқдорда инвестициялар киритилди ва 4922 янги иш ўринлари яратилди.

Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастурига асосан ҳисобот даврига қадар қўшимча лойиҳалар билан бирга қиймати 270,8 миллион долларлик 274 лойиҳа амалга оширилиб, 8175 янги иш ўринлари ташкил қилинди. Дастур доирасида шу кунга

қадар 40 мингдан ортиқ «Damas», 5 мингга яқин «Orlando» русумли автомобиллар, 200 экскаватор ва элиқдан зиёд бульдозерлар ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, маиший газ баллон, музлатгич, металл арматуралар, спорт инвентарлари ҳамда кир ювиш қукуни, юқори қучилишли аппаратлар каби янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хоразм вилоятининг сув таъминотини тубдан яхшилаш, Урганч шаҳар бош режасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастурга асосан ўтган давр мобайнида 1 триллион 72 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, Урганч шаҳар йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилишга 194 миллиард сўм, вилоят инженерлик-коммуникация инфратузилмасини таъмирлаш ва модернизация қилишга 202 миллиард сўм ҳамда шаҳарнинг архитектура кўринишини яхшилаш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришга 662 миллиард сўм сарфланди.

Шу билан бирга, 2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дастурига мувофиқ ҳисобот даврига қадар 100 дан ортиқ лойиҳа тўлиқ амалга оширилди.

Айнан шундай иқтисодий самарали лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида бир йилда вилоят саноати кескин ўсди. Вилоятда 2014 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши икки йил олдинги 109,8 фоиздан 111,7 фоизга кўтарилди.

Яна бир таққос: бундан беш-олти йил муқаддам вилоятда етиштирилган пахта толасини қайта ишлаш қувватлари йилига 18,5 минг тоннани

ташкил этарди. Ўтган йилга келиб бу кўрсаткич 28,1 минг тоннага етди. «Хоразмтекс» МЧЖ, «Ўзтекс Шовот» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг биринчи ва иккинчи навбати, «Жиласун Тошкент» ҳамда «Даритал Текстиль» масъулияти чекланган жамиятларнинг ишга ту-



ширилиши, мавжуд энгил саноат корхоналарининг технологик қайта жиҳозланишига имкон берди.

Хозирда вилоятда етиштирилган пахта толасининг 37 фоиздан ортиқроғи қайта ишланмоқда. Агарда мустақилликка эришилган — 1991 йилда мазкур кўрсаткич вилоятда атиги 1 фоизни ташкил қилганини эсласак, изоҳга ўрин қолмайди.

Бир вақтлар агар ишлаб чиқаришга асосланган вилоятда тўрт йил давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,6 триллион сўмга етказилгани, бу эса олти йил олдинги кўрсаткичдан деярли икки ярим баробар кўплиги ҳамда ўтган икки йилда вилоятда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотлари ялпи даромадининг олти йил олдинги 5,7 фоиздан 32,8 фо-

изга етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хозирда вилоятда кичик бизнес субъектлари салкам ўн бир мингга яқинлашди. Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хусусий тадбиркорлар учун товар хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини

Амалдаги йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,7, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 30,3, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 25,9, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,2 фоизга ўсиши кутилмоқда. Агарда жорий йилнинг биринчи чора-

Фақат жорий йилнинг ўзида 551,5 миллиард сўмлик 1444 лойиҳа амалга оширилиши ҳисобидан 14 500 янги иш ўрни ташкил қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Ушбу мақсадлар рўёбга чиқиши учун вилоят иқтисодиётига 1,4 триллион сўм инвестиция жалб қилинади.

ошади. Шу мақсадларга 2,4 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Шу ўринда Хоразм вилояти иқтисодиётини янада ривожлантириш йўлида ташланган яна бир муҳим қадам ҳақида тўхталиш лозим, деб ўйлайман. Бу — Президентимизнинг «Навоний — Қонимех — Мискин» йўналишида темир йўл қурилиши юзасидан имзоланган қароридир. Насиб этса, 2016 йилдан бошланиб, гоёг қисқа давр — бир йилда яқунлашиб, 2017 йилда ишга тушадиган ушбу темир йўл йўловчиларни олти соатда манзилига етказиб қўяди. У воҳанинг иқтисодий салоҳиятини янада оширади, халқ ҳўжалиги таракқиётини тезлаштиради.

Бугунги кунга келиб, истиқлол берган имкониятлар тўғрисида Хоразм томонидан маълумот берган, янгиланмоқда. Бу қадим ўлкада саноат қисқа фурсатда шу қадар ривож топишини бундан чорак аср илгари ўйлаш, орзу қилиш хомхўлда бошқа нарса эмас эди. Ўша пайтда оддий игна ҳам четдан келтирилганини эсласак, нима деюкчи бўлаётганимиз ойдинлашади...

2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий қайта ўзгариштириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш орқали — давлат Дастурлари ҳамда маҳаллийлаштириш дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида макроиқтисодий ўсиш суръатлари кескин ошиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,6, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ҚОЧОҚЛАР

ўз юртларига қайтади

Европа Иттифоқи яқин ҳафталарда қочқин макomini бериш рад этилган деярли ярим миллионга яқин қочқини ўз ватанларига қайтаришга тайёргарлик кўрмоқда. Нолегал муҳожирилари мамлакатдан чиқариб юбориш бўйича халқаро ҳуқуқий нормаларга риоя этмаган Европа Иттифоқига аъзо давлатлар жаримага тортилади.



Шунингдек, дейилади «The Times» газетаси хабарига, агар Нигер ва Эритрея сингари давлатлар ўз муҳожирилари қайта қабул қилишдан бош тортсалар расмий Брюссель гуманитар ёрдамни тўхтатади, савдо битимларини ҳамда виза келишувларини бекор қилади.

Маълумотларга қараганда, сентябрь ойининг охиригача 630 минг нафар муҳожири Европа Иттифоқида кириб келган. Еврокомиссия фикрича, бу Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг йирик миграция инқирозидир. Қочқинлар муаммоларини ҳал этиш учун Европа Иттифоқи қўшимча яна 3 миллиард евро миқдорида маблағ ажратилиши қўлаб турибди.

Умуман, БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари Антоний Гутерреш ўтган ҳафта эълон қилган маълумотларга қараганда, ўзга давлатларга бориб бошпана сўраётган қочқинлар сони айна пайтда дунё бўйича 60 миллиондан ортиқдир. Ачинарлиси, бу рақам тезлик билан ошиб бормоқда. Бунга асосий сабаб кейинги 5 йилда дунёда 15 давлатлараро янги можаро ўчоғи пайдо бўлганидир.

ПЛУТОН ОСМОНИДА

мовий булутлар сузиб юрибди

АҚШнинг Аэронавтика ва космост кенгликларини тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — NASA Кўёш тизимидagi энг узок сайёра ҳисобланмиш Плутон осмонида мовий булутлар ва сайёра сиртида улкан музликлар борлигини аниқлади, дейилади NASA сайтидаги ахборотда.



Бундан 9 йил муқаддам Ердан учирилган «New Horizons» сайёраларо автомат станция яқинда узатган суратлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, сайёра осмонидagi мовий «тутун»лар азот ва метаннинг атмосфера юқори қатламида кўёш нури таъсирида ўзаро реакцияга киришувидан ҳосил бўлган. Авалроқ ҳудди шундай мовий булутлар Сатурннинг йирик йўлдоши — Титанда ҳам борлиги аниқланганди.

Суратлар таҳлили яна шуни кўрсатмоқдаки, Плутон сиртида кўплаб сув музликлари мавжуд, улар кўплар бўлиши эҳтимолидан холи эмас. Олимлар ҳозирча бу борада аниқ бир фикрни яхшироқ қийналишмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, сентябрь охирида Марс сайёрасида ҳам сув борлиги NASA томонидан эълон қилинган эди. 8 нафар олимдан иборат таҳлилчилар гуруҳи космик аппарат жўнатган суратларни таҳлил қилиб, аниқ ҳулосага келдиларки, Марс тоғларида кўринаётган қора чизиклар айрим вақтларда пайдо бўладиган минерал тузалар изларидир. Бу эса сайёрада оқар сувлар борлигидан далолат беради.

■ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОЙ, МАЪНАВИЙ ҲАМДА МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЁРИТГАН ЭНГ ЯХШИ ТАҲРИРИЯТ ВА ЖУРНАЛИСТ»

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, «Кексаларни ёззоллаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ННТларнинг фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан кексалар ва ногиронлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қўмақлаштишга доир тадбирларни амалга оширишда ОАВнинг иштироки ва ролини ошириш, журналистларни рағбатлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасидаги давлат сиёсатини ёритишга қўмақлаштиш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда «Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши таҳририят ва журналист» танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига танловда қатнашиш учун эркин хат;

- таҳририятлар учун — газета ёки журналларда 2015 йил давомида эълон қилинган ННТ фаолияти ёритилган иккунчи йиллар рўйхати (шу жумладан, электрон шаклда);

— журналистлар учун — газета ёки журналларда 2015 йил давомида эълон қилинган ННТ фаолияти ёритилган иккунчи йиллар рўйхати ва матни ёки нусхаси (шу жумладан, электрон шаклда).

Мукофотлар:
биринчи ўринга:
Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши таҳририятга — **биринчи даражали диплом ва планшет;**

Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши таҳририятга — **биринчи даражали диплом ва планшет;**

иккинчи ўринга:
Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши таҳририятга — **иккинчи даражали диплом ва фотоаппарат;**

Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши таҳририятга — **иккинчи даражали диплом ва фотоаппарат;**

учинчи ўринга:
Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши таҳририятга — **учинчи даражали диплом ва фотоаппарат.**

га — **учинчи даражали диплом ва фотоаппарат;**

Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши таҳририятга — **учинчи даражали диплом ва фотоаппарат.**

Бундан ташқари, танлов иштирокчиси ва ғолибларига ҳомийларнинг мукофотлари ҳам топширилиши мумкин.

Ҳужжатлар 2015 йил 20 ноябргача қабул қилинади.

Танловда мамлакатимизда фаолият юритаётган босма ОАВ, журналистлар, ННТ вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Танлов қўйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, 100049, Амир Темури шох кўчаси, 14-й.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди.

E-mail: uzntfond@mail.ru, uz.ntnta@mail.ru, upzero1992@yandex.ru.

Ҳужжатлар тўғридан-тўғри топширилганда аризалар Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни www.pgo.uz сайти ёки (+99871) 233-52-41, 233-35-26, 233-24-92 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Ташкилий қўмита.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспорт кўлами кенгаймоқда

Миллий банк ҳузурида фаолият кўрсатаётган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва унинг ҳудудий филиаллари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳияти юксалишида муҳим ўрин тутмоқда.

Хусусан, Жамғарманинг Тошкент вилоят филиали томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида жами 120 дан ортиқ тадбиркорлик субъектига кўрсатилган ташкилати, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар тўғрисида маълумий қиймати 1 418,5 миллион АҚШ долларлик экспорт шартномалари тузилган. 36 ҳўжалик субъектининг умумий қиймати 130,0 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулотлари ва хизматлари Қозғистон, Қирғиз Республикаси, Хитой, Корея Республикаси, Россия ва бошқа давлатларга экспорт қилинган.

— Хорижликлар билан шериклик муносабатларини ўрнатилиши анчадан буён орзу қилиб келардик, — дейди «Greater Victory» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ф.Тошматов. — Жамғарма кўмағида ниятимиз рўёбга чиқди, 49 минг АҚШ доллари миқдоридаги консерва маҳсулотларимизни

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 13 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:*)

■ 1 Австралия доллари	1942,94
■ 1 Англия фунт стерлинги	4060,99
■ 1 Дания кронаси	403,93
■ 1 БАА дирҳами	721,29
■ 1 АҚШ доллари	2649,22
■ 1 Миср фунти	338,34
■ 1 Исландия кронаси	21,23

1942,94
4060,99
403,93
721,29
2649,22
338,34
21,23

■ 1 Канада доллари	2051,11
■ 1 Хитой юани	418,63
■ 1 Россия рубли	43,22
■ 1 Украина гривнаси	123,24
■ 1 Малайзия ринггити	635,30
■ 1 Польша злотийси	714,54
■ 1 СДР	3739,29

■ 1 Туркия лираси	902,05
■ 1 Швейцария франки	2758,17
■ 1 ЕВРО	2981,01
■ 10 Жанубий Корея вон	23,11
■ 10 Япония иенаси	220,47

*) Валюта қийматини белгиллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

КЎРГАЗМА

«Ўзэкспомарказ»да «Beauty Uzbekistan — 2015» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди. Унда Жанубий Корея, Ҳиндистон, Индонезия, Франция, Италия, Греция, Венгрия, Россия, Исроил ва бошқа давлатлардан қирқдан ортиқ компаниялар парфюмерия, косметика ва гигиена маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашди.

Гўзалликка аталган маҳсулотлар намоиши

Кўргазмада мамлакатимизнинг «AB Form Sistem», «Bitobi Pro», «Breeze», «Ece Cosmetic», «Fabienne Inter Group», «Jasmin Fito Pharma», «Le Asante Cosmetics», «Luxury Aroma», «Mountain Herbs», «Zamona Rapo» каби фирма ва компаниялар иштирок этди.

— Бизни фирмамиз 2008 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди «Mountain Herbs» фирмаси менежери Амир Ҳамза Юнусов. — Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида табиий равишда ўсадиган доривор гиёҳлардан эфир мойи ажрати олиб, уни қайта ишлаб, чет элга экспорт қиламиз.

Иккинчи марта ушбу кўргазмада иштирок этмоқдамиз. Ҳар сафар янги ҳамкорлар билан учрашамиз, шартномалар тузимиз. Бугун биз бу ерда ҳавола этаётган жароҳатланганда қўлланиладиган орқик қолдириш воситаси чет элликларда катта қизиқиш уйғотди.

— Кўргазмада соч тўкилиш муаммосига дуч келган

инсонларни маҳаллий шароитда даволашнинг замонавий усуллари намоиш этмоқдамиз, — дейди Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази ходими Шорахмат Шорахмедов. — Бугунги кунда бундай беморлар даволашни учун асосан чет давлатларга бормоқда. Шунинг учун олиб, уларни марказимизда даволашни йўлга қўйдик. Мутахассисларимиз хорижий мамлакатларнинг илғор клиникаларида тажриба ошириб келган.

— Кўргазмага ташриф буюрганимдан мамнунман, — дейди маникюр устаси Барно Тўхтаалиева. — Юз, қўл ва тери учун янги маҳсулотлар билан танишдим ва уларни албатта, қўллаб кўраман. Кўргазмага олиб келинган маҳсулотларнинг кўпчилиги табиий йўл билан тайёрлангани менга маъқул бўлди.

Шаҳбоз САИДОВ

Яшаш — ҳамиша тўхтовсиз олға интилмоқ демакдир.

БОКС

ЧЕМПИОНАТ МЕДАЛЛАРИ ВА ОЛИМПИЯ ЙЎЛЛАНМАЛАРИ

учун курашлар



Қатар пойтахти — Дохада бокс бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди.

Қувонарлиси, ҳозиргача яқунланган ярим финал баҳсларидан сўнг, Ўзбекистон, Россия, Куба терма жамоаларидан уч нафардан боксчи ҳал қилувчи учрашувларга йўлланма қўлга киритди.

Жумладан, финал йўлланмаси учун кечган учрашувда ҳамюртимиз Муроджон Аҳмадалиев (56 кг) ҳиндистонлик рақиб Шива Тапани 3:0 ҳисобида мағлуб этди. Энди у олтин медаль учун ирландиялик Майкл Конланга қарши жанг олиб боради.

Яна бир истеъдодли боксчимиз Фазлиддин Гойибназаров (64 кг) эса ярим финалда таиландлик Вуттайай Масукка рўбарў келди. Унда ҳамюртимиз зафар қучиб, финалга йўлланма олди. Энди Фазлиддин ҳал қилув

чи учрашувда россиялик Виталий Дунацевга қарши рингга кўтарилади.

Доха рингларида ёш ва истеъдодли боксчимиз Бектемир Меликузиев (75 кг)нинг чиқишларини мутахассислар алоҳида эътироф этишмоқда. 2014 йили Нанкинда ўтказилган II Бутунжаҳон ўсмирлар олимпиадаси қолиби, катталар ўртасида амалдаги Осиё чемпиони бўлган бу боксчимиз эндигина ўн тўққиз ёшга тўлди. У ўз олдига келаси йили Рио-де-Жанейрода бўладиган XXXI ёғи Олимпиада йўлларини да иштирок этишни мақсад қилиб қўйган. Бектемир ярим финалда ирландиялик Майкл Орейлини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, яна бир бор мухлисларимиз ишончини оқлади. Энди

иктидорли боксчимиз финалда амалдаги жаҳон чемпиони Арлен Лопес (Куба) билан куч синашади.

Эътиборли жиҳати, кеча яна уч нафар боксчимиз ярим финал учрашувларини ўтказди. Унда Элнур Абдураимов (60 кг) кубалик Лазаро Алварес, Элшод Расулов (81 кг) ирландиялик Йозеф Вард, Баҳодир Жалолов (+91) эса қозғистонлик Иван Дичкога қарши рингга чиқдилар.

Мусобақада нафақат медаллар, балки келаси йили Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган ёғи Олимпиада йўлларини йўлланмалари тақдир ҳам ҳал бўлмоқда. Бу эса ҳар бир учрашув шиддатли ва кескин ўтишини таъминлаётди. Жумладан, 81 килограмм вазн тоифасидаги боксчилар ўртасида ўтказилган чорак финал баҳси кўпчилиги эътиборини тортди. Унда Элшод Расулов қозғистонлик азалий рақиб Адилбек Ниезимбетовга қарши рингга кўтарилди. Бунгача ўтказилган аксарият учрашувларда ҳамюртимиз қозғистонлик рақибига имкониятни бой берган бўлса, бу гал Элшод уч раунднинг барчасида очколар ҳисобида катта фарқ билан зафар қучиб, ўзининг зафарли одимини давом эттирди.

Афсуски, ярим финалда Элшод Расулов ирландиялик боксчиға имкониятни бой берди. Ўта оғир вазндаги ёш боксчимиз Баҳодир Жалолов эса қозғистонлик Иван Дучкога ютқазиб қўйди.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕННИС

Кеча пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида эркаклар ўртасида АТР туркумига кирувчи анъанавий «Челленджер — 2015» халқаро турнири бошланди. Соврин жамғармаси 125000 АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур нуфузли мусобақада Россия, Белорусь, Словакия, Германия, Ҳиндистон, Япония, Молдова, Янги Зеландия, Хорватия каби йигирмадан ортиқ давлатдан ташриф буюрган ракетка усталари голиблик учун майдонга чиқмоқда.

«ЧЕЛЛЕНДЖЕР» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

қизғин паллага кирмоқда



Қаторасига еттинчи марта ўтказилаётган мазкур халқаро турнирда юртимиз шарафини Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Санжар Файзиев, Жўрабек Каримов каби теннисчилар ҳимоя қилипти.

— Ўз юртингда, мухлислар қўллаб-қувватлаши остида кортга чиқишнинг масъулияти, катта — дейди мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткаси Денис Истомин. — Тошкент турнири бу йил ҳар қачонгидан-да шиддатли кечса ажабмас. Агар мусобақа иштирокчилари рўйхатиға кўз югуртирсангиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Жумладан, турнирнинг амалдаги голиби, словакиялик Лукаш Лацко катта маҳоратга эга, истеъдодли теннисчилардан саналади. Еки россиялик Евгений Донскойға қарши кортга чиқиш аксарият ёшлар учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.

Курбага кўра, кеча яқаллик учрашувларнинг дастлабки босқичида Фаррух Дўстов — Алдин Сеткин (Босния ва Герцоговина) куч синашди — 6/2, 7/5.

Бугун мухлислар Денис Истомин — Владимир Игнатик (Белорусь), Жўрабек Каримов — Амир Вейнтрауб (Исроил), Темура Исмоилов — Александр Кудрявцев (Россия) жуфтликлари баҳсига гувоҳ бўлади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

РЕКЛАМА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

«Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 230-61-13, 202-61-68.
Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел: 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел: 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темура кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-а уй, 2-корпус, 54-хонадон, тел: 230-64-72.
Самарқанд тумани, Ўрташқ кишлоғи, ТРНС, тел: 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, тел: 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел: 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, тел: 230-64-77.



«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ

барча манфаатдор ташкилотлар вакилларини кооперация ҳамкорлигини ўрнатиш ва ривожлантириш учун 2015 йил 26 октябрдан 2 ноябргача «Ўзэкспомарказ» мажмуасида (Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 107-уй) ўтказиладиган IX Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасидаги ҳолдинг компанияси стендига тақлиф этади.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 244-30-47, 244-50-54.
www.vinsanoat.uz

Хизматлар лицензияланган.

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST»



ТУЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛЎТНАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй. Мулжал: Жанубий вокзал.
Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, 250-23-93, (+998 91) 162-99-99, (+998 95) 177-01-17, (+998 71) 140-41-21, (+998 95) 199-82-92, (+998 91) 191-19-49, (+998 90) 932-33-38

www.sardor-avto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

ОБ-ҲАВО 13-14.10 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+2 / +7 +10 / +15

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+8 / +13 +18 / +23

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+8 / +13 +18 / +23

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+10 / +15 +20 / +25

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

+10 / +15 +18 / +23

Тошкент шаҳри

+9 / +11 +21 / +23

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +14 / +15

Париж +13 / +11

Москва +8 / +8

Мадрид +18 / +21

Пекин +24 / +23

Канберра +25 / +28

Рим +22 / +21

Афина +26 / +26

Токио +24 / +21

Стокгольм +9 / +11

Кейптаун +20 / +21

Қоҳира +36 / +33

Гавана +32 / +29

Вашингтон +24 / +19



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАХРИР НАЙ'АТИ:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyiyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1059
10599
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 01.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

